

# ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТДА УЗЛУКСИЗЛИК ВА УЗВИЙЛИК

10.53885/edinres.2021.93.44.027

**Файзиев Я.З.**

Бухоро давлат университети

**Бозорова С.З.**

3-курс Бухоро давлат университети

Ҳар бир педагогик жараённинг асосини узвийлик ва узлуксизлик ташкил этади. Ўқитиш ёки тарбиялаш жараёнлари мазкур тамойиллар негизида ўз мазмунини янада мукаммал бойитиб боради. Жумладан, педагогиканинг бир қисми ҳисобланган жисмоний тарбия ва спорт ҳам узлуксизлик, узвийлик ва изчиллик каби тамойиллар негизида амалга оширишни тақозо этади.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси амалий ва назарий жиҳатлари билан ажралиб туради. Бу эса соҳани амалга оширишда юқорида айтиб ўтилган узлуксизлик ва узвийлик тамойиллари қўлланилишини кўрсатади. Жисмоний тарбия ва спортда амалий билимлар, кўникма ва малакаларнинг шаклланиши узлуксизлик ва узвийликни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ҳамда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонунларида мазкур тушунчалар – узвийлик ва узлуксизлик тушунчаларининг мазмуни, уни қўллаш соҳалари, амалга ошириш механизмлари атрофлича ёритиб берилган. Унга кўра, таълим тизими, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини ўзаро уйғунлаштириш, мослаштириш, улар ўртасидаги узлуксизлик ва узвийликни таъминлаш алоҳида белгилаб қўйилган. Ушбу ҳуқуқий асосларга кўра таълим тизими босқичларида жисмоний тарбия ва спорт мустаҳкам ўринга эга.

Республикада 2000 йилдан буён ўтказиб келинаётган ва дунёда ягона ҳисобланган уч босқичли спорт мусобақалари тизими – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари айнан таълим тизим ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳаларининг уйғунлаштирилган, бир-бирига йўғрилган шакли ҳисобланади. «Миллий модель» номини олган мазкур спорт мусобақалари тизими таълим тизимининг учта асосий босқичини қамраб олади, яъни умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус касб-хунар таълими ва олий таълим босқичларини. Ўқувчи ва талабалар ўқишдан бўш вақтларида мазкур спорт мусобақаларига тайёрланадилар. Спорт билимлари ошиши, кўникма ва малакаларнинг шаклланиши асносида ўқувчи ва талаб ёшларнинг саломатлик даражаси ҳам яхшиланиб боради. Улар орасида соғлом турмуш тарзи шаклланади.

Республикамизда аҳоли саломатлик даражасини аниқлаш ва ошириш масаласи ҳукуматимизнинг доимий диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Бу ўринда аҳолининг барча қатламлари, хусусан, таълим тизимини ҳам қамраб оловчи «Алпомиши» ва «Барчиной» тест меъёрлари алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу тест меъёрлари Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 7 ёшдан 70 ёшгacha бўлган қатламини ўз ичига олади. Мазкур тест меъёрлари ҳам таълим тизимидағи узвийлик ва узлуксизликни таъминлашда катта аҳмиятга эгалиги билан ажралиб туради.

Юқорида айтилган спорт мусобақалари ва тест меъёрларидан ташқари жисмоний тарбия дарслари ва дарсдан ташқари спорт тўгараклари ҳам ўзига хос ўринга эга. Умумтаълим мактаблари, Академик лицей ва ксб-хунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарслари ДТС асносида ўқитилиб келинаётганлиги, дарсдан ташқари спорт тўгаракларининг ташкил қилинганлиги жисмоний тарбия ва спортдаги узлуксизлик ҳамда узвийликнинг амалий ифодасидир.

Ёшларнинг спортга қизиқишилари ортиши, саломатлик даражаси яхшиланиб боришида таълим тизимида жисмоний тарбия ва спорт чуқур кириб борганлигининг

натижаси, деб тушуниш мумкин. Таълим тизимида жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини аниқ тасаввур қилиш учун қуйидаги расмни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Умуман, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси амалий характерда эканлиги, доимий машғулотлар ва шуғулланишлар натижасида ривожланиши билан ажралиб туради. Шу сабабли соҳани ривожлантириш, уни янада юқори босқичларга олиб чиқиш юқорида айтилганидек узвийлик ва узлуксизлик асосида амалга ошади.

Ҳозирда кўпгина мутахассислар, етакчи олимлар жисмоний тарбия дарсларини, хусусан, умумтаълим мактабларида ташкил қилинаётган жисмоний тарбия дарсларини янада такомиллаштириш масаласи устида тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Маълумотларга кўра жисмоний тарбия дарслари ўқувчиларнинг ҳаракатга эҳтиёжининг 10 – 11 %ини қондирап экан. Шунга кўра айтиб ўтиш керакки, ўқувчиларнинг ҳаракатга эҳтиёжини тўла қондириш мактаб ва синфдан ташқари жисмоний тарбия ишлари орқали амалга оширилади.

Ўқувчи ҳамда талаба ёшларни жисмоний тарбия ва спортга янада қизиқтириш, уларни спорт машғулотларига кенг жалб этиш мазкур соҳада узлуксизлик ва узвийликнинг мазмунини ташкил этади. Ушбу жараёнларни тизимли ёндашувлар асосида, мақсадли тарзда амалга ошириш самардорлиги юқори ҳисобланади.